O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
MCHJ "Audit-Ummon"
auditorlik tashkiloti

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАХАР
МЧЖ "Аудит-Уммон"
аудиторлик ташкилоти

Toshkent shaxar M.Ulug'bek ko`chasi 1- uy

Тошкент шахар М.Улугбек кўчаси 1-уй

ИНН- 204414623 х/р 20 208 000 704 245 224 001 ДАВРБАНК ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ МФО- 01046 ТЕЛ. 604-07-61

№ 2
« 10 » апрель 2017 йил

«ҚЎРҒОНТЕПА ДОН МАХСУЛОТЛАРИ» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 01 январдан 2016 йилнинг 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий -хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий фикр билдирилган

А У Д И Т О Р Х У Л О С А С И

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йилнинг 31 июль "858"-ракам билан кайта руйхатдан утган, Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини утказиш хукукини берувчи 2010 йил 12 ноябрдаги 00519-сонли лицензияга эга булган МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкилоти «ҚЎРҒОНТЕПА ДОН МАХСУЛОТЛАРИ» акциядорлик жамияти билан 2017 йил 01мартда тузилган 2/А-сонли шартномага асосан жамиятнинг 2016 йил 01 январдан 2016 йил 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий хисоботининг ишочлилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан 2017 йил 10 мартдан 10 апрелгача булган давр мобайнида утказилди.

Текширув «ҚЎРҒОНТЕПА ДОН МАХСУЛОТЛАРИ» акциядорлик жамиятига нисбатан мустакил хисобланган аудитор Н.Курбонова (Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати 12.10.2013 йил № 05152) томонидан амалга оширилди.

Текширув Узбекистон Республикасининг харакатдаги молиявий конунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йуналишларни тартибга солувчи бошка меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун такдим килинган хисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги хамда хисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг конунийлиги буйича масъулият хужалик юритувчи субъект рахбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий хисобот буйича билдирган хулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг харакатдаги 70-сонли миллий стандартига мувофик утказилди. Ушбу стандартлар бизга мижоз корхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий хисоботда моддий ахамиятга эга булган хатоликлар йуклиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий хисоботда акс эттирилган ва бошка молиявий ахборотларни бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботни тартибга солувчи конунчиликка мос келишлигини бахолашни талаб килади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида куриб чикилган молиявий хисобот буйича уз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «ҚЎРҒОНТЕПА ДОН МАХСУЛОТЛАРИ» акциядорлик жамиятининг молиявий хисоботи унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида хакконий ахборот беради ва Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мос келади.

МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкилоти директори: **Г.Райимжонова**

Аудитор: **Н.Курбонова**